

Ноқобил уламолар



15:55 / 28.10.2019 4819

Минг афсуслар бўлсинким, аҳли илмнинг ичида ҳам ноқобиллари учраб туради. Одам боласи турли-туман бўлиши ҳақиқатдир. Табиати бузуқ инсонлар ичида ҳам баъзи бир сабабларга кўра илм йўлига кириб қолганлари бўлади. Бундай бўлишининг ҳақиқий ҳикмати ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзига аён. Аммо ноқобил аҳли илмнинг чиқиб туриши бандалар учун синов ва охират уламоларининг қадрини ошириш учун бўлса, ажаб эмас.

«**Ноқобил уламолар**» деганда илм ила дунё неъматларидан фойдаланишнигина қасд қилган ва уни одамлар орасида обрў орттириш учун ишлатадиган шахслар тушунилади.

Ноқобил уламоларнинг сифатлари Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида келган.

مَلَعَتْ نَمًا: لَأَقْمَلِسُوهُ لَعَلَّيَصِيَّبَنَّ لَنَا عُنُورُ لَيْضَرَّ رَزِيْرُهُ بِأَنْ عَدَجِيْ مَلَأِيْ نَدْلًا مَاضَرَ وَبَبِيْ صِيْلُ الْإِلْمِ لَعَلَّيْ أَلْهَلْ أَوْ جَوْهَبِيْ عَتَبِيْ أَمَّمْ أَلْعَلْ عَوَّجَ أَمُّ نَبَاوَدُوَادُ وَبَأْهَ أَوْرَ. «مَمَّ أَيْ قَوْلُ مَوِيْءَ نَجْلَ فَرَعِ»

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Ким Аллоҳнинг розилиги талаб қилинадиган илмни фақат дунёнинг ўткинчи матоҳига эришиш учун ўрганса, қиёмат куни жаннатнинг ҳидини ҳам топа олмайди»**, дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Исломда илм талаб қилиш, хусусан, динда фақиҳ бўлиш учун илм ўрганиш фақат Аллоҳ таолонинг розилиги учун бўлади. Шундай қилган одам икки дунёнинг бахт-саодатига эришади. Бу дунёда ҳурмат-эҳтиром ила ҳаёт кечириб, охирада жаннати маъводан жой олади.

Аmmo кимки диний илмларни, яъни ҳадисда айтилганидек, Аллоҳнинг розилиги талаб қилинадиган илмни дунёнинг ўткинчи матоҳига эришиш учун (мансаб, мол ёки риё учун) ўрганса, жаннатнинг ҳидини ҳам топа олмайди.

Шунинг учун диний илмларни талаб қилишда ўта ҳушёр бўлиш, ниятни соф қилиш, фақат Аллоҳ таолонинг розилигини ўйлаб иш тутиш керак бўлади.

مَلَعَتْ نَمًا: لَأَقْمَلِسُوهُ لَعَلَّيَصِيَّبَنَّ لَنَا عُنُورُ لَيْضَرَّ رَزِيْرُهُ بِأَنْ عَدَجِيْ مَلَأِيْ نَدْلًا مَاضَرَ وَبَبِيْ صِيْلُ الْإِلْمِ لَعَلَّيْ أَلْهَلْ أَوْ جَوْهَبِيْ عَتَبِيْ أَمَّمْ أَلْعَلْ عَوَّجَ أَمُّ نَبَاوَدُوَادُ وَبَأْهَ أَوْرَ. «مَمَّ أَيْ قَوْلُ مَوِيْءَ نَجْلَ فَرَعِ»

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Ким илмни Аллоҳдан бошқа учун ёки Аллоҳдан бошқани (рози қилишни) ирода қилиб ўрганса, дўзахдаги ўриндиғини олаверсин»**, дедилар».

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам илм талаб қилиш фақат Аллоҳ учун, Аллоҳнинг розилиги учун бўлиши зарурлигини қаттиқ таъкидламоқдалар. Агар кимнинг нияти бузилса, яъни илмни Аллоҳдан бошқа учун, Аллоҳнинг розилигидан бошқа мақсад учун ўрганса, дўзахга тушиши муқаррар эканини айтмоқдалар.

مَلَعَتْ نَمًا: لَأَقْمَلِسُوهُ لَعَلَّيَصِيَّبَنَّ لَنَا عُنُورُ لَيْضَرَّ رَزِيْرُهُ بِأَنْ عَدَجِيْ مَلَأِيْ نَدْلًا مَاضَرَ وَبَبِيْ صِيْلُ الْإِلْمِ لَعَلَّيْ أَلْهَلْ أَوْ جَوْهَبِيْ عَتَبِيْ أَمَّمْ أَلْعَلْ عَوَّجَ أَمُّ نَبَاوَدُوَادُ وَبَأْهَ أَوْرَ. «مَمَّ أَيْ قَوْلُ مَوِيْءَ نَجْلَ فَرَعِ»

